
4 нафар болага қанча миқдорда бола пули берилади?

САВОЛ: Мен 4 нафар фарзандларим учун бола пули олишга ариза берган эдим. Фарзандларимнинг каттаси 5 ёш, кичиги бир ярим ёшда. Менга аризангиз тасдиқланди деб СМС келди. Энди менга шу 4 нафар фарзандим учун неча пул берилади?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.08.2021 йил кунги ПФ-6277-сонли [фармони](#)да болалар нафақасининг аниқ миқдорлари белгиланган бўлиб, ушбу миқдорлардан келиб чиқиб ҳисобланганда, сизни 4 нафар фарзандингизга 675 000 сўм миқдорида болалар нафақаси берилади.

Кичик фарзанддан каттасига қараб: $325\ 000 + 150\ 000 + 100\ 000 + 100\ 000 = 675\ 000$

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон туман бўлими

2022-07-20 16:22:33